



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/4/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

<b>Abduvohidov D.</b> Samarqand shahrida qurilgan xristian cherkovlari (XIX asr oxiri XX asr boshlari).....	4
<b>Каримова С.</b> Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази фаолияти.....	7
<b>Kasimova Sh.</b> The role of virtual museums in the development of museum pedagogy of Uzbekistan.....	10
<b>Маттиев У.</b> Исоқхон-тарихий тақдирнинг такрорланиши .....	13
<b>Муродова Д.</b> Бухоро вилояти архив тизимидаги раҳбар аёллар фаолияти .....	17
<b>Muxamedova M.</b> Prospects of development of tourism in the museum on the basis of cultural tourism in Uzbekistan.....	21
<b>Савриев Ж.</b> Карманада Бухоро амирлари ва амалдорлари томонидан бунёд этилган сарой ва чорбоғлар ....	24
<b>Сафаров А.</b> Қашқадарё вилоятида амалга оширилган «пахта иши» уйдирмаларининг салбий оқибатлари.....	27

### Фалсафа, Педагогика, Психология, Методика, Социология, Сиёсий фанлар

<b>Аббасова Н.</b> Использование технологий обучения в сотрудничестве в обучении пословицам и поговоркам английского языка учащихся общеобразовательных школ.....	31
<b>Abdullayev V.</b> Ta'lim jarayonida intellektual tizimlar va ularni ishlab chiqish texnologiyasi.....	34
<b>Абдуллаева Р., Эшбаева Н.</b> Сложности при обучения русскому языку в медицинском ВУЗе: учебные ресурсы и потребности студентов .....	38
<b>Абдурасулов И.</b> Development of cultural competences of students of higher educational organizations .....	41
<b>Absamatov Z.</b> Kasbiy kompetentlikni shakllantirishda yondashuvlarning o'rni .....	11
<b>Азамов Ж.</b> Олий таълим муассасаларини институционал автономиясини такомиллаштириш механизми ....	47
<b>Алимджанов Б.</b> Активные операции ташкентского отделения русско-азиатского коммерческого банка.....	50
<b>Atabayeva D.</b> Bolaning kun tartibidagi normal fiziologik uyquning o'sish va rivojlanishga ta'siri .....	55
<b>Ахмедов Б.</b> Севги никоҳ қуришнинг муҳим мотиви сифатида .....	58
<b>Axmedova D.</b> Oliy ta'lim muassasalarida kredit modul tizimida talabalarning mustaqil o'qishini tashkil etishning didaktik imkoniyatlari .....	61
<b>Begmatova D., Usmonov S.</b> Tibbiyot mutaxassislarini tayyorlashda fizika fanini integratsiyasi .....	64
<b>Бозоров Э., Эргашев А.</b> Олий таълим муассасарида “Рентген диагностикаси” мавзусини ўқитишда интерфаолусуллардан фойдаланиш услублари .....	68
<b>Burxonova M.</b> Zamonaviy oilalarda uchraydigan konfliktlar: ijtimoiy va psixologik tahlil .....	72
<b>Джаббаров А.</b> Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши .....	75
<b>Jabbarova L.</b> Modern views of the museum design in Uzbekistan (on the example of the Tashkent museum) .....	79
<b>Зияева М.</b> Лингвистическая и коммуникативная компетенция учебника русского языка.....	82
<b>Ismatova Yu.</b> Kredit-modul o'qitish tizimini joriy etish ta'lim tizimining rivojlatirish yangi bosqichi sifatida.....	85
<b>Kadirova L.</b> Jamoa sport turlaridan biri – futbol terminologiyasining morfologik va sintaktik tuzilishi.....	88
<b>Кадирова М.</b> Замонавий таълим технологиялари асосида талабаларнинг иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш модели.....	91
<b>Камоллова К.</b> Турмуш тарзи: янги ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиёт омиллари.....	95
<b>Karimova M.</b> Biologiya o'qituvchisi metodik tayyorgarligining tuzilmaviy-funksional modeli.....	97
<b>Каттаева Г.</b> Самарқанд алломаларидан Махдumi Аъзамнинг энтпедагогик асарининг таҳлили .....	100
<b>Куралбаев А.</b> Болалар-ўсмирлар спорт мактабида ёш гандболчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш услубияти .....	103
<b>Кувондиқов С.</b> Кўп йиллик тайёргарлик босқичида енгил атлетика турларига ўқувчи ёшларни саралашнинг педагогик технологияси.....	107
<b>Qudratov S.</b> Malaka oshirish jarayonida pedagog kadrlarning kompetentligini rivojlantirishga qo'yilayotgan zamonaviy talablar .....	109
<b>Қўзибоева М.</b> Масофавий ўқитиш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари .....	112
<b>Mamatqulov R., Mamatqulov I.</b> Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik o'zbek xalqining yuksak qadriyati	114
<b>Mansurova T.</b> On the state of teaching the russian language in schools of the Jizzakh region of the Arnasai region .....	117
<b>Мирхалиқова Ч.</b> Болаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларнинг қиссий таҳлили .....	120
<b>Muxammedova O.</b> Tibbiy oliy ta'lim muassasalarida rus tilini o'qitish kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirishning tamoyillari .....	124
<b>Negmatova D.</b> O'zbekistonda mahalla institutining rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari.....	126
<b>Norqo'ziyeva M.</b> Oliy ta'lim muassasasida talabalarning kasbiy barqarorligini shakllantirishning mohiyati .....	129
<b>Nuraliyeva P.</b> Talabalar o'quv kompetensiyasini shakllantirishda raqamli texnologiyalarning o'rni .....	132
<b>Равшанов Ғ.</b> 16-17 ёшли ўспирин ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши характеристикаси .....	135
<b>Раҳматуллаева Г.</b> Маънавий-маърифий фаолиятни бўлажак ўқитувчиларда шакллантиришнинг аҳамияти .....	140
<b>Сапаров Б.</b> Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий маънавият ва мафқуранинг аҳамияти .....	143
<b>Сейдаметова Г.</b> Школьное образование в повседневной жизни населения каракалпакстана в 1950-1960-е годы .....	146



*Дилрабо МУРОДОВА,*  
*Бухоро давлат университети*  
*Бухоро тарихи кафедраси таянч докторанти*  
*E-mail:dilrabo.murodova82@mail.ru*

*БухДУ доценту (PhD) Д. М. Жамолова тақризи остида*

### БУХОРО ВИЛОЯТИ АРХИВ ТИЗИМИДАГИ РАЎБАР АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги давлат архивларида фаолият кўрсатган раҳбар аёлларнинг меҳнат фаолияти илмий таҳлил қилинади. Айниқса, бугунги кунда Бухоро вилоят давлат архиви фондларида қатор йиллар соҳа ривожига фаолият кўрсатган раҳбарлардан тортиб оддий архившунос лавозимларида ишлаган хотин-қизларнинг шахсий йиғмажилдлари сақланади. Жумладан, ходимларнинг ўз қўлларида ёзган таржимаи ҳол, шахсий варақалари, фото суратлар, ариза, буйруқ, диплом нусхалари, йўлланма хатлар ва хотираларни кўриш мумкин. Мазкур манбалар асосида архив соҳасида фаолият юритаётган аёллар билан танишиш мумкин.

**Калит сўзлар:** Бухоро, архив, агентлик, ҳудудий бошқарма, раҳбар, таржимаи ҳол, шахсий варақалари, фото суратлар, буйруқ, йўлланма хатлар, хотиралар.

### ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РУКОВОДИТЕЛЕЙ АРХИВНОЙ СИСТЕМЫ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

В данной статье проводится научный анализ работы женщин-руководителей в государственных архивах Бухарского областного управления архивов. В частности, сегодня в фондах Бухарского областного государственного архива хранятся личные коллекции женщин, работавших в области архивного дела, начиная от руководителей, проработавших в этой области много лет. В частности, вы можете ознакомиться с биографией, личными листами, фотографиями, заявлениями, приказами, копиями дипломов, рекомендательными письмами и воспоминаниями, написанными сотрудниками собственноручно. На основе этих источников можно познакомиться с женщинами, работающими в сфере архивов.

**Ключевые слова:** Бухара, архив, агентство, краевое управление, руководитель, биография, личные карточки, фотографии, приказы, рекомендательные письма, воспоминания.

### ACTIVITIES OF LEADING WOMEN IN THE ARCHIVE SYSTEM OF BUKHARA REGION

Annotation.

This article provides a scientific analysis of the work of women leaders in the state archives of the Bukhara Regional Department of Archives. In particular, today the funds of the Bukhara regional state archive contain personal collections of women who have worked in the field of archival science, ranging from leaders who have worked in the field for many years. In particular, you can see the biography, personal sheets, photos, applications, orders, copies of diplomas, letters of recommendation and memoirs written by employees in their own hands. On the basis of these sources it is possible to get acquainted with women working in the field of archiv

**Key words:** Bukhara, archive, agency, territorial administration, leader, biography, personal cards, photos, orders, letters of recommendation, memoirs.

**Кирриш.** Статистик рақамларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 % ни хотин-қизлар ташкил этади. Бошқарув тизимида уларнинг улуши 33 % га етди[1]. Республикада раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган бир ярим мингга яқин аёллар ичида Ўзбекистон архив иши ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра биргина Бухоро вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги жами 110 нафар ходимнинг 77 (77 %) нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, вилоят давлат архиви, Бухоро, Қоровулбозор туманлари ва Когон шаҳар давлат архивлари шу билан биргаликда Бухоро шаҳар, Олот, Пешку, Бухоро туман шахсий таркиб давлат архивларида жами 8 нафар аёллар раҳбарлик қилмоқдалар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Худудда мавжуд бўлган архив муассасаларининг сал кам бир асрлик тарихида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган раҳбарлар қаторида хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни

бор. Бухоро вилоят архив иши ҳудудий бошқармасига раҳбарлик қилган 12 нафар масъулларнинг 2 нафарини аёллар ташкил этади. Вилоят давлат архивида эса фаолият олиб борган 13 нафар раҳбарнинг 7 таси хотин-қизлар эканлиги таҳсинга сазовордир. Чунки, нафақат архив соҳасида балки, бошқа соҳаларда ҳам ишнинг самараси кўпроқ раҳбар фаолиятига боғлиқ. Бухоро вилояти архивида ҳам кўпгина илғор раҳбарлар аёллар фаолият кўрсатган.

Бухоро вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг 672-С фондида сақланаётган 148 та йиғма жилднинг 47 таси қатор йиллар соҳа ривожига фаолият кўрсатган раҳбарлардан тортиб оддий архившунос лавозимларида ишлаган хотин-қизларнинг шахсий йиғмажилдлари сақланади. Жумладан, ходимларнинг ўз қўлларида ёзган таржимаи ҳол, шахсий варақалари, фото суратлар, ариза, буйруқ, диплом нусхалари, йўлланма хатлар ва хотираларни кўриш мумкин. Мазкур манбалар асосида архив соҳасида фаолият юритаётган аёллар билан танишиш мумкин.

Бухоро вилоят архив иши худудий бошқармасида фаолият олиб борган аёл раҳбарлар

Йиллар	Бухоро вилояти архив бошқармаси бошлиғи
1953-1957	Анна Андреевна Верещагина
1967-1987	Марьям Гарифовна Валитова

**Тадқиқот методологияси.** Анна Андреевна Верещагина - 1921 йил 10 июлда РСФСРнинг Кировск вилоятидаги Крючково Доровск туманида оддий дехқон оиласида дунёга келади. 1938 йилда етти йиллик мактабни тугатиб, педагогика билим юртига ўқишга киради. 1940 йилда таълим муассасасини муваффақиятли тугатиб, 1941 йили Киров вилоятидаги Ўқитувчилар институтининг талабаси сифатида ўқишга қабул қилинади. 1946 йилдан Анна Андреевна Бухоро вилоятида ўз иш фаолиятини бошлаган. Вилоят давлат архивидаги иш фаолияти эса 1953 йилдан бошланади. 1961 йил 5 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон архив муассасалари ходимларининг анжуманида вилоят архиви раҳбари сифатида фаол иштирок этганлиги архив манбаларида кайд этиб ўтилган[2].

Марьям Гарифовна Валитова -1931 йил 13 августда Бошқирдистоннинг Федоров тумани, Пугачевск қишлоқ советидаги Юрмата манзилгоҳида оддий дехқон оиласида дунёга келади. 1949 йилда Валитовалар оиласи ўз хоҳиши билан Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилояти Қизилтепа туманига кўчиб келишади. 1949 йилда эса ўн йиллик ўрта мактаб маълумотиغا эга бўлган ёш, шижоатли Марьям Валитова Бухоро шаҳридаги кутубхона ходимларининг уч ойлик курсини тугатади. 1950-1955 йиллар давомида Қизилтепа туманидаги Гардян қишлоқ кенгашида кутубхона мудираси, туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг котибаси, ёшлар ташкилотининг сектор мудирини вазифаларида ишлайди. Ўзбек, тожик ва ўз она-Вилоят давлат архивидаги аёл раҳбарлар

тили бўлган татар тилида мукамал гапира олганлиги ҳақида ўз таржимаи ҳолида ёзиб қолдирган[3].

1954 йилда Серго-Оржоникидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих факультетида сиртдан ўқишни бошлайди. Ташаббускорлиги ва ишга бўлган масъулияти туфайли қисқа муддатда халқ эътиборига тушган бу жамоатчи инсон муҳим соҳа – архив иши соҳасига ишга таклиф этилади. 1955 йил 1 апрелидан Бухоро вилояти Давлат архиви бошлиғи, 1958 йил 24 ноябрдан катта илмий ходим, 1967 йилдан 20 йил мобайнида эса Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг архив бўлими мудирини лавозимларида фаолият кўрсатади[4].

Беvosита унинг раҳбарлиги ва иштирокида айни шу йилларда архив ишини ривожлантириш, ҳужжатҳоқлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш каби йўналишларда катта ижобий ўзгаришлар юз беради. Ўша йилларда Бухоро вилоят Давлат архиви бири европача, иккинчиси Кўқалдош мадрасаси ҳужрасидан, жами 380 м2дан иборат икки хонада жойлашган бўлиб, ундаги шароит ҳужжатларни сақлаш талабларига жавоб бермайди. М.Валитова томонидан вилоят ва республика раҳбар органларида архив муассасасига муносиб иш шароитини яратиш мақсадида 1958 йилда вилоят Давлат архивининг янги биноси қурилишини бошлаш, ўқув ва услубий хонаси, таъмирлаш устохонасини ташкил қилиш таклифи билан чиқади.

Йиллар	Бухоро вилоят давлат архиви директори
1941-1943	Танасва Нина Ивановна
1955-1956	Валитова Марьям Гарифовна
1958	Верещагина Анна Андреевна
1972-1979	Кандибина Ж.Б.
1979-1987	Насирова Раиса Аминовна
1987-1990	Молчанова Надежда Ивановна
1998 йилдан	Аббосова Саодат Ибрагимовна

Архив ишини ривожлантиришда ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ юритилиши, уларнинг жамланиши, сақланиши ҳамда вақтинча сақлаш муддати ўтган ҳужжатларни давлат архивларига топширишда корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти ўта муҳим бўлган эканлигини тушунган М.Валитова ташаббуси билан шаҳар ва туман ижроия қўмиталари масъул котибларининг, вилоят, шаҳар ва туман ташкилот, корхона ва муассасалари кадрлар бўлими мудирларининг ўқувлари ташкил этилади. 1963 йилда вилоят Давлат архиви ҳузурда корхона, ташкилот ва муассасалар архив ҳужжатларини муқоваловчи гуруҳ ташкил этилади. 1964

йил майида идоровий архивларда ҳужжатларга илмий-техникавий ишлов берувчи хўжалик хисобидеги гуруҳ ташкил қилинади, пировардида идоровий архивлар ишини назорат қилиш иши яхшиланади. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларни кенг халқ оmmasига етказиш ишларида ижобий натижаларга эришилади. Архив ҳужжатлари асосида тарихий маълумотлар радиоэшиттиришлар, вилоят рўзномаларида қатор мақоалар орқали ёритиб борилади.

1972 йил 21-25 августда Москва шаҳрида бўлиб ўтган Архивларнинг УП халқаро конгрессида иштирок этади, архивлар ишини ривожлантириш борасида фикр-

мулохазалари билан ўртоклашади ва қатор таклифлар киритади[5]. Марьям Гарифовнанинг узоқ йиллик сайъ-ҳаракатлари натижасида 1976 йилда вилоят Давлат архивининг ҳозирги биноси қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилади[6].

Раиса Аминовна Насирова 1936 йил Қозғистоннинг Туркистон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келади. 1945-1947 йилларда Фрунзе шаҳрида яшаб, бошланғич таълимни шу ердаги мактабда олади. 1948 йилда эса уларнинг оиласи Бухоро вилоятининг ҳозирги Жондор туманига кўчиб келишади. 1952 йилда етти йиллик мактабни тугатиб, К.Д.Ушинский номидаги Бухоро педагогика билим юртига ўқишга қабул қилинади. Ўқишни тугатгач, вилоятнинг Қоракўл туманига қарашли Олот аҳоли манзилгоҳидаги мактабга рус-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ишга юборилади. 1959-1964 йилларда Серго-Оржоникидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих – филология факультетини сиртдан ўқиб тугатади[7].

Раиса Аминовна вилоятнинг чекка туманида билимга чанқок қишлоқ болаларига сабоқ берибгина қолмай, давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. 1968 йил 29 февралдан Бухоро вилоят давлат архивининг катта илмий ходими сифатида иш бошлаган фидойи ходима тез орада ўзининг соҳага бўлган эътибори ва жонқуярлиги билан жамоада алоҳида ўрин эгаллайди. 1979 йил 3 декабрдан эса вилоят архиви директори лавозимига тайинланади[8].

Раиса Аминовна Насирова 1979-1987 йилларда Бухоро вилоят давлат архиви раҳбари сифатида фаолият юритган[9]. Ўзининг иш фаолиятини мактаб муаллимлигидан бошлаган жонқуяр, меҳрибон устоз кейинчалик архив муассасидаги фаолияти давомида ҳам болаларга бўлган муҳаббати, эътиборининг намунаси сифатида иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчирилган бошпанасиз болаларнинг Бухоро вилоятидаги жойлашуви ва уларнинг тақдири ҳақида маълумот берувчи архив ҳужжатларини ўрганиб, матбуот саҳифаларида ўз мақолалари билан чиқиб турди[10].

Надежда Ивановна Молчанова – 1964 йил 6 сентябрда Якутия АССРнинг Оймяконск туманидаги Уст-Нера аҳоли манзилгоҳида хизматчи оиласида дунёга келади. 1971-1981 йилларда Пермск вилоятидаги 29 ўрта умумтаълим мактабини тугатиб А.М.Горький номидаги Урал давлат университетининг тарих факультетига ўқишга қиради.

1986 йилда университетни тарих – архившунослик мутахассислиги бўйича тугатиб, соҳанинг етуқ мутахассиси сифатида архив тизимида ишлаш учун Тошкентга ишга юборилади[11]. 1987-1990 йилларда Бухоро вилоят давлат архиви раҳбари сифатида фаолият юритган[12].

Жонқуяр, ўз ишининг устаси ва соҳа фидойиси бўлган раҳбар аёлларнинг устози сифатида архив соҳасида салкам ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган Бухоро вилоят давлат архиви директори Саодат Ибрагимовна Аббосованинг хизматлари эътирофга лойиқдир.

1996 йилдан бошлаб Бухоро вилоят давлат архивида 1-даражали архивчи, 1998 йилдан бошлаб директор лавозимида ишлаб келмоқда.

Қатъиятли соҳа билимдони сифатида Москва шаҳридаги ҳужжатлаштириш ва архив иши Умумроссия илмий-тадқиқот институтида малакасини оширди. Олган билимларини Бухоро вилоят давлат архиви фаолиятини такомиллаштиришда кенг қўллаши натижасида айни вақтда вилоят давлат архиви шаҳар ва туман архивлари учун намуна мактаби даражасига етди. Ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланишга бағишданган “Central Asia 2010” VI-халқаро конференциясида “Архив тизимларини бошқаришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги маърузаси билан қатнашди. 2014 йил 24-26 сентябрида Қозғистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган “Актуальные проблемы в области обеспечения сохранности архивных документов” мавзусидаги Халқаро Архив Кенгашининг Евро-Осиё минтақавий бўлимининг XV умумий конференциясида Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида иштирок этди[13].

**Таҳлил ва натижалар.** Унинг раҳбарлиги давомида 2012 йил августидан 190 000 саклов бирлигидаги ҳужжатларни жойлаштиришга мўлжалланган қўшимча сакловхона биносининг қурилиш ишлари якунланди. Давлат архивидаги ўта-қимматли ҳужжатларни консервация қилиш ва суғурта нусхаларини яратувчи юқори технологиядаги қурилма сотиб олинди. Унинг раҳбарлигида вилоят давлат архивидаги мавжуд фондлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон шакли яратилди ва улар тўлдириб борилмоқда.

Ўз фаолияти давомида вилоят давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида ўнлаб мақолаларни ёзди. “Маънавият ва хотирот ўчоғи”, “Закон об архивах республики Узбекистан” - в действии, “Выставка БНСР в Москве”, “Илм масканининг қисқа тарихи”, “Бухоро яхудиёлари тарихий музейи”, “Сургундаги юртдошларимиз қисмати”, “Об эвакуации”, “Ибн Сино сиймоси ва Афшона”, “Вспоминая памяти прошлых лет”, “Уста хотираси”, “Галаосиё фахрийси” каби мақолалар шулар жумласидандир.

“Ўзрархив” агентлигининг 2020 йил 27 августдаги тегишли буйруғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан бир қатор тизим раҳбар-ҳодимлари «СОҲА ИФТИХОРИ» кўкрак нишони билан тақдирландилар. Бухоро вилояти давлат архиви директори Саодат Ибрагимовна Аббосованинг ҳам кўп йиллик меҳнатлари давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилиб тақдирланди.

**Хулоса ва таклифлар.** Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиёт тармоқларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган фуқароларни республика олий таълим муассасаларининг сиртки ва кечки таълим шаклига суҳбат асосида ўқишга тавсия этиш ҳуқуқини Бухоро вилояти Архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги муассасаларда фаолият юритаётган намунали ходимлар Д.Шарипова, Ф.Исматова, Н.Тойирова, У.Ҳамроева, Ш.Атоева, С.Худойбердиевалар кўлга киритиб, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университетининг Архившунослик йўналишида таълим олаётганлар. Бу имконият ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор намунасидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4209>
2. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 92-йиғмажилд, 13-варақ
3. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 84-йиғмажилд, 17-варақ.
4. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 84-йиғмажилд, 12-варақ
5. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 84-йиғмажилд, 5-варақ.

6. “Бухоро вилоят давлат архиви” альбом, Б.: Бухоро, 2011 й. 10-бет.
7. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 127-йиғмажилд, 2-варақ.
8. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд,1- рўйхат, 127-йиғмажилд, 4-варақ.
9. Юсупов У., Алиев А.. Ўзбекистон архивлари.-Тошкент:Tasvir, 2021.-В.127.
10. Насирова Р.. Дети войны // Советская Бухара, 1985 г,21 март.
11. Бухоро вилоят давлат архиви. 672-фонд, 1- рўйхат, 135-йиғмажилд,10-варақ.
12. Юсупов У., Алиев А.. Ўзбекистон архивлари.-Тошкент:Tasvir, 2021.-В.127.
13. Fayzullayev Sh., Klichev O.. Buxoro arxiv ishi tarixi.-Buxoro:Durdona, 2015.-В.80.